



**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР  
ЗАХИРАСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ “КАРЬЕРА МОДЕЛИ”  
ПЛАТФОРМАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**Максумов Нодиржон Эргашевич**

*Давлат хизматини ривожлантириши*

*агентлиги директори ўринбосари*

*E-mail: [n.maksutov@argos.uz](mailto:n.maksutov@argos.uz)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда кадрлар танланишида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда ушбу ислоҳотларни амалга оширишдаги муаммолар ёритиб берилган. Шунингек, мақолада малакали кадрларнинг инсон омилисиз танлаб олинишида амалга оширилаётган ислоҳотларни жорий этилишидаги вазифалар кетма-кетлиги таҳлил этилган.

**Калит сўзлар.** кадрлар сиёсати, карьера модели, танлов, Давлат фуқаролик хизмати, давлат бошқаруви, кадрлар захираси

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни таҳлил қилас, эканмиз, авваламбор ҳалқнинг фаровон ҳаёт кечириши, ижтимоий-иктисодий ўсишига қаратилган чора-тадбирлар давлат сиёсати даражасига чиқғанлиги ҳалқаро доираларда ҳам ижобий фикрларга сазовор бўлаётганлигини тақидлашимиз жоиз. Шу жумладан, бугунги шиддат билан ривожланаётган дунёда давлат фуқаролик хизмати тизимида кадрларнинг салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифаларни ҳам амалга ошириш кун тартибидаги мавзуга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 24.05.2019 йилда Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар ва ёш тадқиқотчилар билан учрашар экан: “Бизга миқдор эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир<sup>1</sup>” – дея алоҳида таъқидлаб ўтди.

2022 йилнинг 8 август санасида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Давлат фуқаролик хизмати” тўғрисидаги Ўзбекистон

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёевнинг 24.05.2019 йилдаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар ва ёш тадқиқотчилар билан учрашувдаги нутқидан. - <https://aza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyev-ilm-fan-namoyandalari-bilan-mulo-ot-ildi-24-05-2019>.



Республикасининг Қонуни давлат ташкилотларида кадрлар сиёсатига оид масалаларни ижобий тарафга ўзгартиришга катта турткы бўлишида алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, давлат фуқаролик хизматчиларини тоифалаш ва уларга малака мартабалари (даражалари) бериш орқали хизмат каръерасининг лавозим поғоналаридан босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматининг карьера моделини жорий этиш белгиланган.

«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуниниг 37-моддасида давлат фуқаролик хизматчисининг ўз касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириб бориш ҳамда шу орқали юқори лавозимларга тайинланиш белгилаб берилган.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларини давлат органлари фаолиятига жадал интеграция қилиниши билан бир қаторда, давлат хизматчиларининг ҳам иш фаолияти ИТ-соҳаси билан чамбарчас боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан **Миллий «Карьера модели» электрон платформаси** лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу платформанинг асосий вазифалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- ❖ Малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида, олий ўқув юртларида, соҳавий ҳамда бошқа ўқув марказларида давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз малакасини ошириш жараёнини давлат органлари билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш;
- ❖ Соҳалар кесимида республика ва ҳудудий мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, профессионал тайёрланган кадрлар захирасини шакллантириш;
- ❖ Давлат фуқаролик хизмати тизимида ягона ташкилий-ҳукукий механизmlарни қўллаган ҳолди мониторинг ўтказиш;
- ❖ Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда **“талаба – номзод – давлат хизматчиси”** тамойилини йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Шу ўринда, белгилаб ўтилган вазифаларнинг сўнгисига алоҳида эътибор қаратсан. Маълумки, юртимизда ҳар ўқув йили якупнланиши билан олий таълим муассасаларини тамомлаган минглаб талаба-ёшлиар меҳнат бозорига шиддат

билин кириб келишади, бу пайт уларнинг беҳуда вақт йўқотишларини олдини олишда “талаба – номзод – давлат хизматчиси” тамойили катта аҳамиятга эга бўлади. Зеро жорий этилган ушбу механизм талабаларни ҳали ўқиш даврида платформада ўзининг шахсий кабинетини яратиши, давлат органларидағи бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олиб туриши, платформадаги блиц-сўровномаларда қатнашиши уларни эгалламоқчи бўлган соҳаларида ўқиш даврининг ўзидаёқ таасуротга эга бўлишига замин яратади.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасида Миллий «Карьера модели» электрон платформаси лойиҳасини ишлаб чиқиши ва жорий этиш натижасида салоҳиятли кадрларни давлат хизматига жалб қилиш ҳамда уларнинг бутун фаолияти давомида компетенциявий ривожланиш имкониятини яратади.

Давлат хизматисининг лавозим погоналаридан босқичма-босқич кўтарилиш тизими вужудга келади, давлат фуқаролик хизматида захира билан ишлаш тизими йўлга қўйилади, талабаларнинг давлат фуқаролик хизматига қизиқтириш ва уларни мазкур соҳага тайёрлаш имконияти пайдо бўлади.

Талабанинг яратилган шахсий кабинетида келгусидаги давлат фуқаролик хизматида танланган лавозимни эгаллаш учун зарур бўлган барча маълумотлар берилади. Лавозимнинг танланган дастлабки қуйи бўғинидаги малака талаблари платформадан фойдаланувчиларга содда ва тушунарли тарзда етказиб берилади.

Талабанинг танланган соҳа бўйича кейинги “карьеравий ўсиш” босқичлари ҳам ушбу платформада кўрсатиб берилади. Энг қуйи лавозимдан юқори лавозимгача бўлган босқичлари қамраб олинади. Давлат фуқаролик хизматига кириб борган ёшлар дастлаб “Устоз-шогирд” тамойили асосида лавозимга мослашиш жараёнини ўтказади.

Давлат фуқаролик хизматида “Устоз-шогирд” тизимини ташкил этишдан мақсад касбий тайёргарлигини жадаллаштириш, давлат хизматчиларининг янги иш шароитлари ва жамоага мослашишига кўмаклашиш, ходимнинг профессионал ривожланишида ёрдам бериш, лавозим вазифаларини бажаришда вижданан ва интизомли ёндашишни ўргатиш, давлат хизматчиларининг эгаллаб турган лавозимига мувофиқ юклатилган вазифаларни мустақил, самарали ва масъулият билан бажариш қобилиятларини ривожлантириш, сифатли давлат хизматини кўрсатишида малакали қадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини жорий қилишдан иборат.

Устоз-шогирд тизимини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш давлат органи ташкилий тузилмасидаги бўйсунувга асосан, раҳбар ёки унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилиб, тизимни қўллаш борасидаги ишлар давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш бўлинмаси (масъул ходими) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида назарда тутилган тизим давлат хизматига биринчи маротаба ишга қабул қилинган ходимлар, илгари давлат хизматида ишлаган ва узок танаффусдан сўнг (камида 3 йил) давлат хизматига қайта ишга қабул қилинган ходимлар ва давлат хизматида ўзи эгаллаб турган лавозимдан бошқа соҳа йўналишидаги лавозимга тайинланган ходимларга нисбатан уч ой муддатда қўлланилади.

Давлат хизматида камида 5 йиллик иш стажга эга бўлганлар, хизмат фаолиятида илғор тажрибага эга, ташаббускор, янгиликка интигувчан ва мунтазам равишда касбий билимларни ошириб бориб, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қиласиганлар устоз сифатида қабул қилиниши назарда тутилган.

Давлат фуқаролик хизматчисининг фаолият самарадорлиги, ишчанлик кайфияти, унинг назарий ва амалий билимлари, салоҳият ва савиасини тобора мустаҳкамлаб боришини ҳозирги замоннинг ўзи тақазо этиб келаётганлигини инобатга олган ҳолда, ходимнинг касбий компетенциявий ривожланиш режасини ишлаб чиқиши бўйича хам устувор вазифалар белгиланган.

Давлат фуқаролик хизматчиси платформа ёрдамида ўзининг касбий компетенция даражасини аниқлайди. Юқори лавозимларни эгаллаш учун касбий компетенциявий ривожланиш режасини ишлаб чиқади. Режада малака ошириш ва қайта тайёрлов курсларида ўқиши, дублёрлик, ротация, стажировка, хорижий тилларни ўзлаштириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Касбий компетенциявий ривожланиш режаси номзод фаолият юритувчи давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими билан танланган лавозимнинг компетенциявий талабларини ўзлаштиришига мослиги нуқтаи назаридан шакллантирилади. Якунда давлат орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан номзоднинг касбий компетенциявий ривожланиш режаси тасдиқланади.

Номзод касбий компетенциявий ривожланиш режасининг ижросини Платформадаги шахсий кабинети орқали - қайта тайёрлов ва малака ошириш натижаси юзасидан сертификат (диплом) нусхасини юклаш; номзоднинг дублёрлик фаолиятини олиб борилган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма хулосасини юклаш; ротация натижаси бўйича давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосарининг ёзма хулосасини юклаш; стажировка натижаси юзасидан стажировка раҳбарининг ёзма хулосасини юклаш; давлат тилини билиш бўйича малака сертификатини юклаш; хорижий тилларни ўзлаштириш юзасидан сертификатни юклаш каби маълумотлар киритилади.

Платформа имкониятларидан нодавлат ташкилотларда фаолият юритувчи (шу жумладан, хусусий сектор) фуқаролар ҳамда Олий таълим муассасалари (ОТМ) талабалари келажакда давлат фуқаролик хизматига кириш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Нодавлат ташкилотларда фаолият юритувчи номзодлар ва ОТМ талабалари номзод сифатида билим ва психологик тестларини топшириши, ўзининг компетенция даражасини аниқлаши, шахсий ривожланиш учун касбий компетенциявий ривожланиш режасини тусиши мумкин. Бундай ҳолларда номзоднинг касбий компетенциявий режаси давлат органи билан келишилмайди ва тасдиқланмайди.

### Хулоса ва таклифлар:

1. Давлат органлари ҳамда ОТМлар ўртасида манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш;
2. Давлат фуқаролик хизматчиларининг карьера йўлларини белгилаш;
3. Давлат фуқаролик хизматчиларининг компетенциявий ривожланиш босқичларини шакллантириш;
4. Давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятида компетенциявий ривожланишни мониторинг қилиш;
5. Давлат фуқаролик хизматчиларининг карьеравий ўсиш имкониятини яратиш.

Хулоса ўрнида шунга эътибор қаратиш жоизки, йўлга қўйилиши режалаштирилаётган Миллий “Карьера модели” платформасини амалиётга тўлақонли таътибиқ этиш орқали, давлат фуқаролик хизматчиларининг компетенцияларини ривожлантириш механизми вужудга келади. Бунинг натижасида компетенцияларни доимо янгилаб бориш ҳамда зарур бўлганда янгиларини ўзлаштириш имконияти шаклланади.

Фаолият соҳасидаги бошқа давлат органида маълум вақт давомида мутаҳассислиги бўйича иш тажрибасини ошириш, давлат хизматчисига тажрибали устоз бириктирган ҳолда унинг билими, малакаси, касбий кўникмалари ҳамда амалий тажрибаларини ошириш платформадаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шунингдек иш фаолиятидаги коррупцион ҳолатларни олдини олиш, шахсий ва касбга оид сифатларини ривожлантириш мақсадида уни эгаллаб турган лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимга ўз розилиги билан муайян муддатга ўтказиш каби мақсадли йўналишлар давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти даражаси тубдан янгиланиб, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижаларини намоён қила бошлиши илгари сурилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги №788-сонли “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги” Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йилдаги №ПФ 5843-



сонли «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

3. 24.05.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар ва ёш тадқиқотчилар билан учрашувидаги нутқидан. -  
<https://aza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyev-ilm-fan-namoyandalari-bilan-mulo-otildi-24-05-2019>.
4. Интернет-сайт: <https://lex.uz/uz>.

